2005 YIL 6 SENTYABR, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 107 (6,944). Sotuvda erkin narxda


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

# Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Кўп йиллик самарали меҳнати билан мамлакатимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини замонавий асосда ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қўшган катта ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

**Адамбаев Тўрабой Жуманиёзович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Хоразмтелеком» филиалининг электромонтёри

**Избосаров Ағзам Фахриддинович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

**Фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшгани, телекоммуникация тармоқларига хорижий сармояларни жалб этиш ва илғор технологияларни шу жумладан, шиша толали кабелларни жорий этишда улкан ютуқларга эришгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Боймуродов Ғуломжон Олимович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 4-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг муҳандиси

**Болтаев Маҳмаёқуб Раҳматович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг кабелчи-пайвандчиси

**Мадаминов Жўрахон** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг электромонтёри

**Ҳакимов Маманазир Нозимович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Наманганттелеком» филиалининг электромонтёри

### «Дўстлик» ордени билан

**Антонова Наталья Борисовна** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг мутахассиси

**Бозоров Самад Қувондиқович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қашқадарётелеком» филиалининг муҳандиси

**Набиев Бахтиёр Авезович** - Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Олот радиотелевидение станциясининг алоқа монтёри

**Хамзин Алмаз Анварович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг мутахассиси

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдураимов Ўлмас Абдукаримович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 1-линия кабел иншоотлари цехининг электромеханиги

**Исмоилов Исоқ Исроилович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Бухоротелеком» филиалининг муҳандиси

**Коланов Курмангали Молдагалиевич** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи

**Миклина Генриэтта Матвеевна** - «Алоқалойиҳа» масъулияти чекланган жамиятининг мутахассиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 сентябрь.

# Самимий қутловлар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ва дўст ўзбек халқини қутлашдан астойдил бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин қалбдан соғлиқ ва бахт-саодат, ўзбек халқига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилайман.

**Эҳтиром ила,**
**Башар АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимизни изҳор қилиш бизга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бахт-саодат ва мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин саломлар ва самимий қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган дўстона муносабатлар икки томонлама ҳамкорлигимизнинг янги соҳаларида халқларимиз манфаатларини кўзлаб кейинги йилларда ҳам ривожланиб боришига астойдил ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Чандрика Бандаранаике КУМАРАТУНГА,**
**Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти**

*Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари номига Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Таиланд Қироли Пумипол Адульядет, Иордания Подшоҳи Абдулла Иккинчи, Қатар Давлати Амири Ҳамад бин Халифа Ол Соний, Баҳрайн Подшоҳи Ҳамад бин Исо Ол Халифа, Тунис Республикаси Президенти Зайнал Обидин бин Али, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика, Гана Республикаси Президенти Жон Агйекум Куфуор, Марокаш Подшоҳи Муҳаммад Олтинчи, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чан Дик Лионг, Мальдив Республикаси Президенти Маъмун Абдул Қаюм, Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов, Франция Республикаси Президенти Жак Ширак, Австралия Генерал-губернатори Майкл Жеффри, Ислом Конференцияси Ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Кувайт Давлати Вазирлар Маҳкамаси Раиси Сабоҳ Ал-Аҳмад Ал-Жобир Ас-Сабоҳ, Кувайт Давлати Валиаҳди Саъд ал-Абдулла ас-Солим ас-Сабоҳ томонидан табрик мактублари келди.*



Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 11-мактабда ҳам "Билимлар куни" шоду ҳуррамлик билан қарши олинди. Илм даргоҳи 684 ўринли бўлиб, барча синф хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.
СУРАТДА: бошланғич синф ўқитувчсиси Райҳон ҚУРБОНОВА.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# Терророрчилик ва наркобизнес хуружидан огоҳ бўлинг

## Халқаро террорчилар ва наркосавдогарлар — Ўзбекистон ва Россиянинг умумий душмани

***Ҳозир Россия олдида Ўзбекистонга оид янги сиёсатини шакллантириш зарурати турибди. Унинг бу мамлакат билан боғлиқ бир неча манфаати бор: стратегик барқарорлик, иқтисодий ҳамкорлик, минтақада таъсир доирасини кенгайтириш шулар жумласидандир.***

***- Россиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка эҳтиёжи катта. Россия хавфсизлигининг муҳим йўналишлари - террорчилик ва наркотрафикдан мудофаа чизиғи Ўрта Осиё орқали ўтади.***

Россиянинг энг муҳим манфаати - стратегик барқарорликдир. Бу борада Ўзбекистон ўз манфаатлари билан бирга Россия манфаатларини ҳам ҳимоя қилмоқда. Марказий Осиёдаги стратегик барқарорликни икки куч бузиши мумкин: диний радикализм ва халқаро наркомафия. Қайд этиш жоизки, диний радикаллар АҚШга - дунё ҳукмронлигига даъвогарлик қилаётган давлатга ҳужум қилганидан сўнг жаҳон оммавий ахборот воситалари радикал диндорлар хавфи ҳақида бонг ура бошлади. Аммо реал ҳаётда халқаро наркомафиянинг глобал тармоқлари кучлироқ ва кўпроқ тарқалган. Улар, динни ниқоб қилиб олган террорчилардан фарқли ўлароқ, АҚШга ҳужум қилмайди ва бутун бошли давлатда ҳокимиятни қўлга олишга уринмайди. Бу иккала куч ҳам минтақада зимдан иш олиб боради, иккаласи ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг душманидир.

Радикал диний оқимлар қатор минтақаларда миллионлаб одамлар онгини эгаллашга уринмоқда. Улар авваламбор Фарғона водийсида, Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич яшайдиган, камбағаллик даражаси одатдагидан юқори бўлган ва ҳар диннинг таъсири мудом кучли бўлган жойда ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Фарғона водийси уч давлат ўртасида тақсимланган: Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон. Бироқ диний радикаллар бу чегараларни ўзларича сунъий деб билади, бутун минтақада ҳокимиятни эгаллашга интилади.

Минтақада бир неча радикал диний ташкилотлар мавжуд бўлиб, бир-бири билан шунчалик мустаҳкам боғланиб кетганки, уларни ажратиш қийин. Радикалларнинг сиёсий услуби классик ғарбона услубдан кескин фарқ қилади. Масалан, бизда сўллар КПРФ ё «Родина» ёхуд НБП таркибида бўлиши мумкин, лекин бир вақтнинг ўзида ҳар уч ташкилотга аъзо одамни топа олмайсиз. Радикал диний гуруҳлар аъзолари эса, агар Америкага қарши террорчилик хуружларини амалга оширса, бир ном билан, Исроилга қарши бошқа ном, маҳаллий ҳукуматга қарши яна бошқа бир ном билан ҳаракатланаверади. Ташкилий жиҳатдан улар ўзгариб туради. Лекин асос аввалгича - радикал диний амалларда иштирок этувчи ярим автоном исломий гуруҳлар сифатида қолаверади.

Узоқ вақт мобайнида Ўзбекистон исломий ҳаракати етакчи радикал диний ташкилот бўлиб келди. У ҳукумат томонидан тор-мор этилгач, Ҳизб-ут-Таҳрир биринчи ўринга чиқди. Бир қарашда бу ташкилот террорчилик учун эмас, гўёки, маърифий ва тинч сиёсий дастурларни амалга ошириш учун тузилган. Гап шундаки, радикал диндорларда меҳнат тақсимоти мавжуд: Ҳизб-ут-Таҳрир тинч мусулмонларни танлайди, уларни ўз дастурлари орқали тайёргарликдан ўтказади ва шу тариқа радикал диндорларни етиштиради. Кейин уларни яширин сиёсий фаолиятда, террорчилик ҳаракатларида, ҳукуматни ағдаришда қатнашиш учун террорчилик ташкилотларига йўллайди.

Ўзбекистонда Ҳизб-ут-Таҳрир бевосита яширин сиёсий фаолиятда иштирок эта бошлаган эди. Кейинчалик ундан бошқа радикал диний гуруҳ - «Акромийлар» ажралиб чиқди. У диний таълим олмаган, аммо радикал тарғиботчи Акром Йўлдошев томонидан ташкил этилди. Бир пайтлар у Ҳизб-ут-Таҳрирнинг Ўзбекистондаги амири бўлган. Радикаллар бир неча йил олдин Тошкентда портлашларни амалга ошириб, вазиятни издан чиқариш ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга суиқасд уюштиришни мақсад қилган эди. Бу йил май ойида улар Андижонда тартибсизликлар ташкил этди, ўз фаоллари ётган қамоқхонани эгаллаб олди, маҳаллий ДАНнинг қурол-аслаҳа омборини қўлга киритди, ҳарбий қисм ва хавфсизлик хизмати биносини эгаллашга ҳаракат қилди.

Қизиғи шундаки, «Акромийлар» ўз таъсирини кенгайтириш учун Фаластиндаги ХАМАС ҳаракати усулларига ўхшаш услублардан фойдаланади. Улар жуда катта ижтимоий ёрдам дастурларини амалга ошириб, давлатнинг айрим заиф ижтимоий таъминот тизимлари ўрнини босмоқчи бўлади. Улар пул ишлаш учун самарали технологиядан фойдаланади: ҳар бир янги қабул қилинган яширин ташкилот аъзосига ўз кичик бизнесини очиш, ускуналар сотиб олиш, рўйхатдан ўтиш ва ўзига хос «паноҳ» топишда ёрдам беради. Кейин бу ишбилармон, яширин ташкилот аъзоси, даромадининг 20 фоизини сиёсий фаолият учун ажратади. Бундан ташқари, ўз бизнесининг мавжудлиги, табиийки, жамиятда яширин ташкилот аъзоларининг ижтимоий мавқеини кўтаради. Ижтимоий мавқе эса мухолифат учун доим зарур.

Андижондаги тартибсизликлар арафасида унинг ҳар бир иштирокчисига костюм тақдим этилгани эътиборга молик. Бу ижтимоий мавқени кўтариш учун қилинди. Чунки кўп жойда костюм кийган одамлар салобатли, обрўли кўринади, ташкилот ва унинг аъзоларининг ижтимоий мавқеи юқорилигини кўрсатади.

Халқаро террорчи-диний тармоқларнинг Ўзбекистонга тазйиқи ортиб бориши мумкин. Чунки бу мамлакат таркибига нафақат Фарғона водийси, балки ислом оламининг муборак қадамжолари - Бухоро ва Самарқанд ҳам киради. Бу ерда ўрта асрларда кўплаб буюк ислом мутафаккирлари фаолият кўрсатган, бугун ҳам дин пешволари уларнинг асарларини ўқиб тарбия топади. Мусулмон аҳоли кўп бўлган барча мамлакатларда ҳокимиятни ағдаришга уринаётган радикал диндорлар жаҳон ислом халифалигини ташкил этишга уринмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

***Россиядаги бир қатор оммавий ахборот воситалари, чунончи "Российская газета", "Время новостей" хабарларига қараганда, Тожикистондаги мавжуд алюминий заводини кенгайтириш, шу билан бир қаторда, янги алюминий заводи қуриш мўлжалланмоқда.***

# "Алюминий қироли"нинг Тожикистондаги режалари

Таъкидланишича, Россиядаги алюминий саноати корчалонларидан бири, "Базовий элемент" компанияси раҳбари, жаноб Олег Дерипаскани шу йил 26 август куни мамлакат президенти Владимир Путин ўзининг Сочидаги "Бочаров Ручей" номли қароргоҳида қабул қилган. Дерипаска президентга Россия алюмин саноати ходимларининг Тожикистонда олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб берган. Унинг ҳикоя қилишича, Тожикистонда Роғун ГЭСини бунёд этиш, мавжуд алюминий заводини кенгайтириш ҳамда янги завод қурилиши юзасидан имзоланган битимга кўра, ушбу лойиҳаларга жами 1,8 миллиард доллар маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

**ТААССУФ**

Сал аввалроқ россиялик "алюминий қироли" ўзининг Тожикистонга қилган сафари якунларига кўра берган интервьюсида ушбу мамлакатдаги иккита йирик Роғун ва Сангтўда гидроэлектростанциялари қурилишига унинг ширкати РАО ЕЭС билан биргаликда жами 1 миллиард доллар сарфламоқчи эканлигини айтганди. Афтидан қисқа вақт ичида ушбу йўналишдаги режалар миқёси янада кенгайган кўринади. Ҳар ҳолда жаноб Дерипасканинг айтишича, "Базовий элемент" яқин 15 йил мобайнида ўзининг асосий диққат-эътиборини Тожикистонга қаратмоқчи. "Алюминий ишлаб чиқариш ҳаддан ортиқ кўп энергия ва энергетик ресурслар сарфлашни талаб қиладиган соҳа, дейди у. Тожикистондаги тоғлар, дарёлар эса бу борада жуда бебаҳо қулайлик яратади. Шу боис биз бу ерда йирик электрометаллургия холдингини яратишни мўлжаллаётирмиз".

Эслатиб ўтамиз, Тожикистон алюминий заводи Марказий Осиёдаги бундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган ягона корхона бўлиб, унинг лойиҳа қуввати йилига 517 минг тоннага тенг ва 100 фоиз акциялари давлатга тегишлидир. Маҳаллий ҳукумат бу корхонани 2007 йилда хусусийлаштиришни режалаштирган. Заводга бу қадар катта қизиқиш билдираётган жаноб Дерипасканинг мақсади эса аҳа шу "ёғли луқма"ни қўлдан чиқармасликдан иборатдир.

Шубҳасиз, йирик бизнесдаги бундай чаққонлик ва уддабуронликка қойил қолмай иложинг йўқ. Бироқ... Шусиз ҳам теварак-атрофни муттасил булғаб, минтақа атроф-муҳити экологиясига катта салбий таъсир кўрсатаётган заводни янада кенгайтириш, бунинг устига ҳар бири йилига 100 минг тоннадан маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган икки навбатли янги заводни қуриш режаси кишини ўйлантирмасдан, ташвиш ва хавотирга солмасдан қолмайди.

**Ўз мухбиримиз**

# Ватан — мангу қўшиқ!

*"Ватан — саждагоҳ каби муқаддас. Уни севиш, қадрлаш, зарур бўлса жон фидо этиш иймоний бурчдир".*

**Ислом КАРИМОВ**

***ВАТАН! Бу муқаддас сўз замирида қанчалик илоҳий куч-қувват, маъно, беқиёс даъват мужассам эканлигини, ҳеч ким тўла ифода этолмаса керак. Биз киндик қонимиз тўкилган Ватан, она тупроқ билан фахрланамиз. Унинг номини эшитган заҳоти қалбимиз тўлқинланади, бир олам ғурурга тўлади. Шоир айтганидек:***

*Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,*
*Биттадир дунёда Она деган ном.*

**СУРУР**

Сарҳадлари Тиёньшан тоғларининг баланд-баланд чўққилари, Сирдарё ва Амударёнинг асов сувлари, Қорақум ва Қизилқумнинг тенгсиз барханларига туташиб кетган бағри кенг мамлакат. Унинг ҳар бир қаричи бебаҳо, табиати ўхшаши йўқ гўзал, одамлари меҳнаткаш ва меҳмондўст, тарихга бой қадимий ўлка.

Ўзбекистон, деб аталмиш азалдан номи етти иқлимга таралган шундай ватанда туғилиб, вояга етиш, унинг фуқароси бўлиш — фахр эмасми?! Хориждаги бир ватандошимиз айтган экан: "Мен ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда". Азалдан Ватанни ҳимоя қилиш, унинг учун жон фидо қилиш шу замин фарзандларининг шарафли бурчи, қалб амри бўлиб келган.

Буюк мутафаккир Шайх Нажмиддин Кубро ўз юртини ғанимлардан ҳимоя қила туриб, Ватан байроғини қўлида маҳкам ушлаганча "Ё Ватан, ё шарафли ўлим", деб жон берган. Душманлар унинг қўлини, бармоқларини ҳар қанча уринишмасин, байроқдан ажрата олишмаган. Ахийри бармоқларини қирқиб туғни тортиб олишган.

Бундан ҳам қаҳрамонлик, бундан ҳам жасорат бўладими, Ватан учун!

...Биз яшаётган Турон замин қадим замонларда ҳам бой, фаровон ўлка сифатида машҳур бўлган.

**(Давоми 4-бетда)**

**МУНОСАБАТ**

***Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фракция ва қўмиталарида бўлаётган йиғилишларда Президентимизнинг "Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"-ги Фармонлари муҳокама этилмоқда.***

# Ҳуқуқий ҳимоя мустаҳкамланади

Фармонда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноят тўғрисидаги қонунларни янада либераллаштиришга қаратилган вазифани якдиллик билан маъқулладилар. Адолат тамойилларини ҳаётга сингдириш йўлида жамиятимизда яна бир муҳим қадам қўйилганлигини гапирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармони жамиятимизни эркинлаштириш ва инсонийлаштириш йўлида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг янги бир босқичини бошлаб берди.

Фармонда жиноят содир этишда айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини 2008 йил 1 январдан бошлаб судлар ваколатига ўтказилиши қайд этилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши белгиланган.

**(Давоми 2-бетда)**

# Мурожаатлар жавобсиз қолмайди

***"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида Бухоро вилояти прокуратураси органлари томонидан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ариза ва шикоятларида ўз аксини топган масалаларни ҳал этиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.***

2005 йилнинг 6 ойи давомида вилоят прокуратураси идораларига, фуқаролар ва юридик шахслардан жами 2997 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, шулардан 1231 таси бевосита прокуратура идораларида ҳал этилган. Шунингдек, 1076 та ариза ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга юборилган. Шикоятларнинг 32,5 фоизи асосли, деб топилиб, қаноатлантирилган.

**ҚОНУН ВА ИЖРО**

Қаноатлантирилган ариза ва шикоятлар таҳлил қилинганида бу кўрсаткич фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунбузилишлар бўйича терговв ва суриштирув соҳасида, судларда жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилиши соҳа ва бошқа масалаларни ташкил қилади.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан деҳқон, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга амалий ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида уларни бевосита жойларга чиқиб қабул қилиш амалиёти жорий қилинган.

**(Давоми 2-бетда)**

**ЖАРАЁН**

***Иқтисодимизнинг қон томири ҳисобланган электр энергиясининг ҳаётимизда тутган ўрни жудаям катта.***

Негаки, завод-у фабрикаларимиз, корхоналаримизни тўхтовсиз ишлашини таъминлаётган, хонадонларимизни нурафшон қилиб турган нурчилар хизмати чиндан ҳам таҳсинга лойиқ.

Лекин биз истеъмолчилар ҳар доим ҳам электр қуввати қадрига етавермаймиз. Хонадонимиздаги чироқ бир зумгина ўчса, унинг қанчалик бебаҳо эканлигини сезамиз, қадрига етамиз. Ана шу беминнат электр энергияси етказиб бериш учун нурчилар қанчалик заҳмат чекишини англамаймиз. Бугунги ҳикоямиз "Бухоро вилояти электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг заҳматкаш нурчилари фаолияти ҳақида.

# Бухоролик нурчилар

Айни чоғда жамиятнинг туманларда ўн иккита бўлимлари фаолият кўрсатиб турибди. Уларда мингдан ошиқ нурчилар тер тўкишади.

**(Давоми 3-бетда)**


BANK

ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки


УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг

| | | |
|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) | 399,9 ▲ | + 18,3 |
| БЕНЗИН (91) | 460,7 ▼ | - 4,0 |
| ДИЗ.ТОПЛИВО | 283,4 ▲ | + 1,5 |
| МАЗУТ | 77,0 ▼ | - 0,1 |
| СЖ.ГАЗ | 370,8 ▲ | + 77,1 |
| МАСЛО ХЛОПК. | 830,1 ▲ | + 16,8 |
| САХАР | 588,0 ▼ | - 0,06 |
| МУКА выс.сорт | 280,0 ▼ | - 0,07 |

# Ватан — мангу қўшиқ!



(Боши 1-бетда)

Ўлкада деҳқончилик юксак даражада тараққий этган. Катта-катта ариқларда, каналларда серсув дарёлардан сув чиқарилган. Қадимги аждодларимиз улкан иншоотларни бунёд этиш учун узоқ йиллар мобайнида матонат билан меҳнат қилганлар. Суғориш ишлари юксак даражада ривожлангани туфайли юрт ҳар доим гуллаб-яшнаган. Одамлари тўқ ва фаровон ҳаёт кечирганлар. Деҳқончиликдан ташқари чорвачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланганлар, тенгсиз гўзал бинолар, иморатлар қурганлар. Хориждан диёримизга келган сайёҳлар жаннатмакон боғларни, чиройли уйларни кўриб ҳайратга тушган. Қадимда ўлкамизни "Минг шаҳар мамлакат" деб ҳам номлашган.

Юртимизнинг бундай тинч ҳаётига ҳасад билан қараган душманлар, маккор ёвлар кўп бўлган. Улар бу она тупроқдан фидойилик билан олтин олаётган меҳнаткаш, ҳалол одамларни қулларга айлантиришни, беҳисоб бойликларни талаб, ўз ерларига олиб кетишни, бу ўлкани забт этишни ўйлаган.

Ғанимларга қарши курашиб, ўз Ватанини, халқини ҳимоя қилиб тенгсиз жасорат кўрсатган Спитамен, Тўмарис, Широқ сингари улуғ аждодларимиз номи тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирилган.

Она Ватанни душманга бермай, сарҳадларини, халқини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган мард аёл Тўмарис қаҳрамонлиги асрдан-асрга тилларда достон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган бундай жасур аждодларимиз кўп бўлган. Улар билан ҳақли равишда фахрланамиз ва улардан абадул абад ибрат оламиз.

Ватан — улуғ аждодлари билан янада буюк. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий сингари қомусий олимларни берган диёрни улуғ Ватан, Ўзбекистон, демасдан бўладими?!

Ислом оламига шу заминда туғилиб, камолга етган Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Замахшарий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий, Марғиноний сингари буюк даҳоларни берган юртни яна дунёнинг қайси бурчагида учратиш мумкин?!

Бу юрт — кўҳна ва маънавияти бой юрт! Халқимизнинг тарихи ғурурланиб тилга оладиган, фахрланиб ҳикоя қиладиган ўтмиши бор. Бундай ўтмишни кимлар ҳавас қилмайди, дейсиз.

Биз ва бизнинг авлодларимиз узоқ йиллар Ватаннинг қадр топишини нималигини билмай, орзу-умид билан яшаб ўтдилар. Ўз Ватанини озод-эркин кўриш ниятида бир оғиз сўз учун не-не ўғлонлар, барчиной қизлар ўзларини қурбон қилди. Халқимизнинг машҳур фидойи инсонлари Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Усмон Носир каби минг-минглаб инсонлар мустақиллик йўлида жон бердилар.

Мустабид тузум даврида шу заминда Самарқанд, Шаҳрисабздай оламшумул шаҳарларни барпо этган, Турон заминни оламга машҳур қилган, ўзининг қўли остидаги ўлкаларда адолат ва ҳақиқатни қарор топтирган, ҳарбий тизимлари билан жаҳонда ном қозонган буюк саркарда Амир Темур номини тилга олиш қанчалик даҳшат эди.

Россия телевидениеси илк бора 2004 йил баҳорида Амир Темурнинг буюклигини кўрсатувчи ҳужжатли фильмни ниҳоят бир неча бор баралла намойиш этишга жазм қилди ва бу билан саркарданинг номи нақадар улуғлигини кўрсатди.

Буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темур қудратли давлат қурибгина қолмай, балки унинг шон-шуҳратини бутун дунёга танитган. Ўша пайтда бу мамлакат номини Хитой, Ҳиндистон, Франция, Англия, Испания, Италия, Миср каби давлатлар бошлиқлари катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олганлар.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Қирол IV, Англия Қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, ўз салтанатида Испания, Франция, Англия, Хитой каби жуда кўп илғор мамлакатларнинг элчиларини қабул қилган. Унинг бевосита раҳнамолигида Самарқандда қиёси йўқ Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир ва Шоҳи Зиндадаги меъморий обидалар барпо этилди. Шаҳрисабзда тенгсиз Оқсарой қад ростлади. Аҳмад Яссавий ва Занги ота мақбаралари бунёд қилинди.

Дунёни ларзага солган Чингизхондай босқинчи тан берган яна бир буюк саркардамиз Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган аёвсиз курашларини тарих, халқимиз ҳеч қачон унутмайди. У авлодлар учун жасур ва енгилмас баҳодир, шонли лашкарбоши тимсоли бўлиб қолади.

Мустақиллик йиллари асрларга тенг қисқа муддат ичида мамлакатимиз пойтахти таниб бўлмас даражада ўзгарди. Дунёда ўхшаши йўқ Оқсарой, Темурийлар музейи, Олий Мажлис, Сенат бинолари барпо этилди. Мустақиллик майдони қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфага кирди. Миллий банк, Интерконтитентал, "Дедеман", "Гранд Мир" меҳмонхоналари, теннис корти, Банклар ассоциацияси, бозорлар, улкан кўприклар, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси, Ўзбек Академик миллий театри бинолари, Бобур, Ғафур Ғулом ва Алишер Навоий номидаги Миллий боғлар пойтахт кўркига кўрк қўшиб турибди.

Мамлакатимизнинг қайси бир бурчагига борманг, ҳамма жойда янгиланишни, катта ўзгаришларни ҳис қиласиз. Хоразмда Амударё устидаги улкан кўприк, Навоий — Учқудуқ — Нукус, Деҳқонобод — Бойсун темир йўллари, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Андижон, Урганчдаги замонавий стадионлар, Қамчиқ довони узра қурилган магистрал йўл, иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бирига айланган Асакадаги "УзДЭУ авто", "Шўртангаз" кимё мажмуилари ва "Қобул текстил", "Элтекс", "Катекс", "Хива-Карпет", "Аим текстил", "Сурхантекстил" сингари кўплаб замонавий енгил саноат корхоналари, юзлаб лицей ва коллежлар... Жаҳон узра давлатимиз байроғи акс эттирилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг Тошкент авиасозлари яратган самолётлари, "Нексия", "Матиз" сингари автомашиналарининг довруғи оламни тутмадими?

"Made in Uzbekistan". Эндиликда бу сўзнинг мағзини, асл моҳиятини билмайдиган, тушунмайдиган одам йўқ. Маънавиятимизнинг асоси бўлган бой қадриятларимиз тикланди. Юртимизга, халқимиз бағрига улуғ аждодларимиз қайтиб келишди. Уларнинг ҳайкаллари, қадамжоларини нафақат юртдошларимиз, балки жаҳоннинг турли давлатларидан келган сайёҳлар зиёрат қилмоқдалар. Мотамсаро она, Қатағон қурбонлари шарафига барпо этилган муқаддас жойлар — бизни дунёдан бегуноҳ ўтганларни эслаб, улар руҳини ёд этишга чорлайди.

Ватан! Сенинг ҳар сиқим тупроғинг олтин, зар. Далаларингда унган ғўзаларингда етиштирилган "оқ олтин"ни ипга айлантирса, ер юзини бир неча баробар боғлаши мумкин. Оппоқ пахтангдан тўқилган газламалардан тайёрланган кийимлар ҳар бир қитъадаги одамларга гўзаллик ато этмоқда. Эндиликда дунёда ўзбек ипагини, хонатласини, бекасамини билмайдиган халқ йўқ. Бухоро қоракўли, оловдай ёниб турадиган Хоразм, Навоий, Қашқадарёда тайёрланган антиқа терининг баҳоси йўқ.

Ватанни севиш, Ватан туйғуси, бу оддий, жўн нарсалар эмас. Бу муқаддас сўзларни баралла айтиш учун ҳар бир инсонда, битмас-туганмас ғурур, шижоат, қалбида ҳеч қачон ўчмайдиган ўзгача бир туйғу, меҳр ва оқибат, фахр бўлиши керак.

"Мен она Ватанни севаман!", деб кўкрагига аюҳаннос билан мушт уриш, бу Ватанни чиндан севиш дегани эмас. Ватаним нима берди деб эмас, балки мен Ватанимга нима бера олдим, унинг тинчлиги, фаровонлиги, келажаги йўлида нима иш қилдим, деб яшаш керак.

Ҳеч бир Ватан истиқлолга эришгач, бирдан тараққиёт чўққисига чиқа олмаган. Бундан бир неча йиллар муқаддам Жанубий Кореядай пешқадам давлат ҳам иқтисодий таназзулга учраганда, халқи, айниқса, хотин-қизлари ўз хоҳиш-иродалари билан қимматбаҳо тақинчоқларини банкларга олиб бориб топширдилар. Бу билан қийин аҳволга тушиб қолган мамлакатни жар ёқасидан олиб қолишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшдилар.

Беш бармоқ ҳам тенг эмас, беайб парвардигор. Тан олиш керак: бозор иқтисодиёти у ёки бу соҳаларда оқсаб ҳам қолмоқда. Ўтиш даври, тикланиш даври давом этмоқда. Фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар оёққа турмоқда. Уларнинг иши ривож топиб, бойишса, Ватан ҳам бойийди. Биздан ҳам миллионер, миллиардерлар етишиб чиқмоқда. Ниятимиз уларнинг бойлиги фақат ҳалол пуллар эвазига бўлса.

Ватан ривожига ёрдам бериш ўрнига, шу буюк замин шаънига доғ тушираётган дин ниқобидаги ақидапарастлар, тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган мансабпарастлар, юлғич, порахўрлар — булар шу заминнинг зарпечаклари, бегона ўтлари. Уларни тезроқ юлиб ташлаб, боғимизни гуллатиб — яшнатишимиз керак. Шу заминнинг сувини ичиб, нонини еб тинч халқ бошига офатлар ёғдираётган, муқаддас динни ниқоб қилиб, ёвуз мақсадлар сари интилаётган кимсаларни ҳам шу Ватаннинг фарзандлари, деб бўладими?!

Бир ватандошимиз узоқ ўтмишини эслаб шундай деганди: "Жуда кичиклигимда ота-онам Шўро зулмидан қочиб, Ватандан жудо бўлиб, хорижга Амударёдан ўтаётганида қайиқдан тушиб кетган эканман. Худо бир асраб, ушлаб қолишган. Шу-шу Амударё сувининг ўзгача бир таъми оғзимда қолган. Ватанга қайтиш насиб этса, шу дарё бўйига бориб, болалардай ётиб олиб сувидан тўйиб бир ичсам, дея ният қилгандим. Бир сафар шу ниятимга етдим. Хоразмга ташриф буюрганимда дарё бўйига олиб боришларини илтимос қилдим. Қандай ҳаяжон, қандай ҳис-туйғу, севинч кўз ёшлари билан дарё сувини шундай чанқоқлик билан симирдимки, бундай онларни шу табаррук ёшимда ҳеч қачон бошимдан кечирмаганман. Ватаннинг тупроғи, бир томчи суви, бу гавҳар, олтин, қиёси йўқ куч-қудрат.

Бундан йигирма йил муқаддам Грузияда бўлганимизда болалар боғчасига олиб боришганди. Бу ерда жажжи ўғил-қизлар учун грузин халқининг урф-одатларини ўзида ифода этувчи энг муҳим миллий асбоб-анжомлар қўйилган хона мавжуд эди. Улар орқали болалар қалбида кичиклигиданоқ ҳақиқий грузин қандай бўлишлиги туйғусини камол топтиришар экан.

Бизнинг болалар боғчаларимизда ҳақиқий ўзбек дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиладиган нималар бор экан? Буни чуқур ўйлаб кўрдикми?

Ватан қадрини киндик қони тўкилган заминдан узоқда яшаган одам жуда яхши билади. Она юртнинг бир сиқим тупроғига зор бўлиб, умрини хорижда ўтказган энг бой-бадавлат одам ҳам қайсидир вақтда ўзини бечора сезади. Ўзининг авлод-аждодлари, отаонаси ўтган ерни қўмсайди, муқаддас, деб билади.

Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон тақдир тақозоси билан умрининг қолган қисмини Афғонистонда ўтказди. У хорижда ҳам бой-бадавлат эди. Лекин унда Ватан йўқ эди.

Амирнинг қабри устига шундай сўзлар ёзилган:

*Амири беватан зору ҳақир аст,*
*Гадо гар дар Ватан бимурад амир аст.*

Мазмуни:

*Ватансиз амир зору фақирдир,*
*Ватанда гар гадо ўлса амирдир.*

Таърифлашга сўз ожиз...

Навоийда, тўғрироғи, Мурунтовда ҳар йили қазиб олинаётган тонна-тонна олтинни тозалиги жиҳатидан дунёнинг бирорта жойидаги шундай қимматбаҳо металлга қиёслаш қийин.

Шўртан, Учқудуқ "зангори олов"и нафақат халқимиз, балки ўнлаб хорижий мамлакатлар аҳолисининг ҳам хонадонида ловуллаб турибди.

Истиқлол туфайли бир неча асрлардан сўнг буюк аждодларимиз қолдирган юртни дунёга яна бир бор олиб чиқишга эришдик. "Ўзбекистон" деган мамлакатни, "ўзбек" деган миллатни танидилар, тан бердилар, ҳатто айрим соҳалар бўйича ўрнак олдилар. Бу борада толмас, ўз сўзидан қайтмас юртбошимиз, фидойи, бағрикенг халқимизнинг муносиб ҳиссаси, ўзига хос улуши бор.

Ўзбек спортининг донғи ҳам бутун дунёга танилмоқда. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Абдулла Тангриев, Рустам Қосимжонов, Миржалол Қосимов, Руслан Чагаев, Ирода Тўлаганованларни эндиликда ким ҳам танимайди дейсиз. Шундай асл ўғлонларни тарбиялаб вояга етказган юрт, қадимий ўлка бугун Мустақиллик шарофатидан янада гуллаб-яшнамоқда. Оламга донғи кетган Бухоро, Самарқанд, Хивадай кўҳна шаҳарларимиз, улуғ авлодларимиз тимсоли улғаётган ёш авлод қалбида бекиёс ғурур, ифтихор уйғотмоқда. Уларнинг қадами тегмаган, куй-қўшиқлари, карнай-сурнайлари янграмаган, бурро-бурро сўзлари эшитилмаган эл-юрт қолмади оламда.

Шу мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаро оиласи, маҳалласи, қишлоғи, элати учун қайғуради. Лекин, булардан ҳам қадрлироқ, эъзозлироқ, улуғ бир гўша — Ватани борлигини ҳам дилида ҳар доим ҳис қилиб туриши керак.

Ватанни асраш — бу фақат қўлга қурол олиб, муқаддас заминни ҳимоя қилиш, дегани эмас. Бу деган — она тилини, Ватан тупроғини, зилол сувларини, табиатини, тоғу-далаларини, ҳайвонот дунёсини ҳам асраб, келажак авлодга етказиш ҳамдир. Бепарволик, шу тупроқ, шу замин учун қайғурмаслик — душманликдан ҳам ёмон иллатлар.

Яқин-яқингача Хоразмда 300-500 йиллик гужум дарахтлари бўларди. Улар ёз пайтлари шу иссиқ юртга роҳатбахш ҳаво бахшида этиб, одамларни жазирамадан сақлаб қоларди. Узоқ шимол ўрмонларидан ёғочга илашиб келиб қолган қандайдир қурт бир неча йил ичида не-не асрларни кўрган, юрт фахри бўлган гужумларга қирон келтирди. Бу ёвуз ҳашаротларни йўқ қилиш учун на табиатни муҳофаза қилувчи экологлар, на карантин, деб номланувчи ташкилот, на мутасадди олимларимиз жон куйдиришди, на шу юртнинг мана-ман, деган ёшуллилари...

Ҳаммамиз китоб ўқиб вояга етганмиз. Унинг қадрини яхши биламиз. Қадимда энг бой савдогарлар ҳам дур-жавоҳирлар билан бирга хориждан энг нодир китобларни олиб келиб, подшоҳларга совға қилганлар. Биз ҳам ўз навбатида Мустақил ватанимизнинг келажак авлодини энг билимдон инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Лекин, шарқнинг дарвозаси бўлмиш Тошкентдай азим шаҳарда, кўпгина вилоятлар марказларида ибратли китоб дўконлари бўлмаслиги сизни таажжубга солмайдими?

Ёки шундай гўзал пойтахтимизни янада гуллаб-яшнатиш учун юртбошимиз жон куйдираётган бир пайтда, қоқ марказда "Ўқчи" маҳалласи ёнидаги чуқурликни, чекка мавзеларда ўйдим-чуқур, йўлларни, ариқ ва йўлкаларни чиқиндилар билан тўлдириб ташлашганини кўриб юрагингиз ачинмайдими?

Юртимизнинг турли бурчакларидан Хоразмнинг Қоражиқ деган шифобахш тузли қўлига ва қумли соҳилига даволаниш учун интилаётган юзлаб одамлар кўз ўнгида, айрим кимсалар ўтовларни эгаллаб олиб, спиртли ичимликлар билан маишат қилиб ўтирсалар қандай тоқат қиласиз?

Ватаннинг эрта тонгини маънавий озуқа бўлмиш — газета-журналларни ўқишдан бошлаб ўз дунёқарашини ошириш ўрнига, ўткинчи олди-соттилар,енгил-елпи ишлар билан машғул бўлиб қолган девдай йигитлар, барчиной-дек қизларни кўриб кўзингиз ёшга тўлмайдими?!..

Булар менинг ва сизнинг ватанимиз кўксидаги яралар. Уларни кўриб, улар ҳақида ўйлаб, қалбим бир қалқиб кетади...

ВАТАН! Сенинг бағрингда, униб-ўсган оддий бир фарзандинг мисол, озгина таърифингни келтирдим, ўзимни қийнаётган ўйфикрларни айтдим. Лекин, сенинг шаънингга қанча сўзлар айтмайин, барибир камлик қилади. Бағрим бутунлиги, дилим равшанлиги, эрким борлиги учун руҳимда ўзгача бир ҳиссиётни сездим. Чунки, "Ватанни севмоқ — иймондандир".

Бу юртда Ўзбекистон деса, давлат байроғини, гербини кўрса, мадҳиясини эшитса юраги ҳаприқиб кетмайдиган, қадриятларини эъзозламайдиган, лекин ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўядиган, ҳақ йўлида виждони, ор-номусини сотадиган инсон бўлмаслиги керак.

Шу заминда, шу азиз тупроқда туғилиб ўсган эканмиз, Ватанимиз обрў-эътиборига, муқаддас номига, буюк аждодлар шаънига доғ туширмаслигимиз керак. Келажак авлодлар дунёга машҳур фозилу уламолар, саркардалар етишиб чиқиши учун интилишимиз, миллатимиз асл ўғлонларини шу руҳда тарбиялашимиз лозим.

Ватан шундай азиз, онадайин муқаддас, мўътабар, буюк! Мадҳиямизда баралла куйланганидек:

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,

Оламни маҳлиё айлаган диёр...

Ватан — мисли мангу бир қўшиқ! Уни қанчалик куйламагин, адоғига етолмайсан. Сен ва ота-боболаринг кутган ҳур замон келди. "Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган" кунлар оғушидасан. Бу кунларнинг қадрига ет, Ўзбекистон фуқаросиман, дея фахрланишга ҳақлисан.

**Жаббор РАЗЗОҚОВ**




## Чемпион Сан-Луисда аниқланади

***Дрезденда ФИДЕнинг 76-конгресси бўлиб ўтди. Унда асосий масала сифатида 27 сентябрдан 16 октябргача мутлоқ чемпионлик учун Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ўтказиладиган мусобақанинг ташкилий ишлари кўриб чиқилди.***



Мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ долларини ташкил қилган мазкур беллашувда иштирок этиш учун саккиз шоҳмотчи шартнома имзолашди. Улар: жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов, гроссмейстерлар: Майкл Адамс (Англия), Юдит Полгар (Венгрия), Петр Леко (Венгрия), Петр Свидлер (Россия), Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселен Топалов (Болгария), Александр Морозевич (Россия).

Бундан ташқари, конгрес ишида аёллар ўртасида жаҳон чемпионати Екатеринбургда ўтказилиши маълум қилинди. У келгуси йили марта ойида ўтказилади. Шунингдек, 2006 йил Турин ва 2008 йил Дрезден шаҳарларида ўтадиган Олимпиадага тайёргарлик ишлари юзасидан ҳисоботлар ҳам тингланди.

## "Энг буюк харид"

***Мадриднинг "Реал" футбол клуби ниҳоят англиялик ҳужумчи Майкл Оуэнни "Ньюкасл"га сотди. Сешанба куни футболчи тиббий кўрикдан ўтди ва янги жамоаси билан тўрт йиллик шартномага имзо чекди.***



"Оуэннинг сотиб олиниши "Ньюкасл" рамзи ҳисобланган Алан Ширерни сотиб олиш билан бир қаторда туради. У шундай футболчики, биз унинг ўйинига қараб жамоа тузамиз ва Майкл бизга фойда келтиради, деган умиддамиз", деди инглиз клуби президенти Фредди Шеппард. Ўз навбатида, клуб бош мураббийи Грем Сунесс: "Оуэн – менинг мураббийлик фаолиятимдаги энг буюк харид", деб айтган.

"Реал" спорт директори Арриго Сакки ҳам бу маълумотни тасдиқлаган ва Оуэннинг хоҳишига кўра бошқа жамоага сотишганлигини айтиб ўтган. Майкл "Қироллик клуби"да кўпинча заҳирада қолиб кетаётганлиги ва бу ҳолат унинг ўйин амалиётига жиддий таъсир ўтказиши мумкинлиги учун ҳам Испанияни тарк этишга қарор қилганди.

Ҳужумчининг трансфер баҳоси 30 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. "Реал" уни сотиб олиш учун эса 12 миллион доллар сарфлаганди.

## Ҳал қилувчи баҳс олдинда

***3 сентябр куни Тошкентдаги марказий "Пахтакор" ўйингоҳида Ўзбекистон ва Баҳрайн терма жамоалари ўртасида плей-офф учрашуви бўлиб ўтди.***

Ўйин 1:0 ҳисобида вакилларимиз фойдасига ҳал бўлди. Ягона гол муаллифи – терма жамоа сардори Миржалол Қосимов.

Лекин ҳисоб аслида бундан-да бошқачароқ бўлиши мумкин эди. Аммо японялик ҳакамлар бунга йўл қўйишмади. Биринчи бўлимнинг 38-дақиқасида бош ҳакам Баҳрайн дарвозасига пенальти белгилади. Жарима тўпини Сервер Жепаров аниқ амалга оширди. Ҳакам эса гол қоида бузилган ҳолда киритилди, деб топди ва уни инобатга олмади.

Шу ўринда ФИФАнинг "Laws of Game – 2005" ("Ўйин қоидалари – 2005") китобидан қуйидаги сатрларга эътибор қаратсак: "Агарда пенальти тепаётган футболчининг жамоадоши жарима майдони ҳудудига кирса ёхуд пенальти белгиланган ҳудудда ҳаракат қилса, тўп дарвозага бориб тушса, жарима тўпи қайтадан амалга оширилади" (ўша китобнинг 45-саҳифаси). Лекин япон ҳаками афтидан бундай қоидалардан бехабар кўринади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтсак, бош ҳакам Тошкентда "янги қоида" ихтиро қилди.

Ўйиндан сўнг матбуот анжуманида терма жамоамиз бош мураббийи Боб Хоутон қуйидагиларни айтиб ўтди: "Менимча, 1:0 ҳисоби, 2:1 натижадан яхшироқ. Барча масалани Манамадаги ўйин ҳал қилади. Биз техник



жиҳатдан устун эдик, Баҳрайн эса чаққон, кучли ва бақувват футболчиларни ўз сафига жамлаган. Шунга қарамай, бор имкониятимизни ишга соламиз".

Баҳрайн мураббийи Лука Перузович эса: "Мен шогирдларим ўйинидан қониқиш ҳосил қилдим. Ўзбекистон терма жамоаси айни вақтда кучли, бироқ биз ўз қаршиликни Манамада синдирамиз. Жавоб ўйинида биз ўзимизга керакли натижани қўлга киритамиз", деб айтиб ўтди. Шундан сўнг у журналистларни саволларига ҳам жавоб бермай, матбуот марказини тарк этди.

Жавоб ўйини 7 сентябр куни бўлиб ўтади. Термамиз таркибида эса биргина Виктор Карпенкода жароҳат бор. Ўйлаймизки, янги мураббий бошчилигида кетма-кет икки ғалабани қўлга киритган футболчиларимиз сафарда бўладиган учрашувда ҳам керакли натижани қайд этишади.

## Чемпион бўлолмайди

***"Формула-1" пойгалари бўйича етти карра жаҳон чемпиони Михаэл Шумахер Италия Гран-присида ўнинчи бўлиб марра чизиғига етиб келди.***

Бу натижа уни шубҳасиз саккизинчи бор чемпионликка эришишидан маҳрум қилди.

Италия Гран-присида ғолибликни колумбиялик пойгачи Хуан-Пабло Монтойя



("McLaren") қўлга киритди. Пойгани иккинчи ва учинчи бўлиб эса Фернандо Алонса ("Renault") ва Жанкарло Физикеллилар ("Renault") якунлашди. Чемпионлик пойгасида эса испаниялик Фернандо Алонса етакчилик қилмоқда. Унинг ҳисобида 103 очко бор. Михаэл Шумахер ҳозиргача бўлган пойгаларда 55 очко жамғарди.

Жаҳон чемпионати якунланишига борйўғи тўрт Гран-при қолганлигини ҳисобга олсак, германиялик спортчи якунгача 95 очко жамғара олиши мумкин.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


АК "Ўзулгуржисавдо"

Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:

*Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
*ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм, 108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм, 219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла ø 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы (для резки кафеля и алюминия)
*Эсксопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 ø 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина

При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены

Имеет возможность поставить по заказам потребителей:

*Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб *Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции *Мини-мукомольный завод Мини-завод по переработке хлопковых семян *Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован

г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.
E-mail: uz_savdo@mail.ru



Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (ғалла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади

Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210. 23220 траншларини ҳам қабул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

A3



Информация о намерении приобретения пакета акции 25 % от Уставного фонда. Инвестор: СП "ROMSTAR". Эмитент: ЗАО "Гиждуван пилла". Адрес эмитента: Бухарская обл. Гиждуван. Акции безналичные.

Частное предприятие "Sanar" намерен приобрести простые именные акции Частного Открытого Акционерного Банка "Универсал Банк", расположенного по адресу: Ферганская обл., г.Коканд, ул.Истиклол, 18., в количестве 1972 шт., номинальной стоимостью 100000 сум, что составляет 19,72% от уставного фонда.



ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "ГАЗ"




ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАССАЖИРСКИЕ, ПАССАЖИРСКИЕ - Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗБОЛОНОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-3307(09)

г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru


"Ўзкартошканавуруғлари" фирмаси таъсисчиларининг умумий мажлиси қарорига асосан фирманинг Устав фонди камайтирилди ва 8185000 сўм қилиб белгиланди.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси профессор Эркин Турдиевич Шайховга ўғли **Илҳом ШАЙХОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.КАРИМОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-719, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -9709

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5